

ХАЛКАРО АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ САКЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА

ШАРТНОМА № 3 Х/С

Бухоро шаҳри

“31” январ 2022 йил

Бизлар, “Бухоро вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси” номидан, бошқарма Низоми асосида иш юритувчи, бош бошқарма бошлиғи Ш. Абдуллоев бир томондан, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади), “Бухоро куприклардан фойдаланиш унитар корхонаси” номидан корхона устави асосида иш юритувчи корхона директори Дж.Эшов иккинчи томондан, (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади), аниқ манзилли ва йўл ишлари рўйхатида тасдиқланган 13 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги халқаро аҳамиятидаги автомобиль йўллари саклаш ишларини ташкил қилиш бўйича ушбу пудрат шартномасини туздик.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Пудратчи” мазкур шартнома шартлари бўйича ўзига бириктирилган умумий узунлиги 13 км бўлган умумий фойдаланишдаги халқаро аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари ва ушбу йўллардаги йўл иншоотларини саклаш ишлари бўйича шартномада кўрсатилган муддат давомида доимий равишда хизмат кўрсатади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари туғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига асосан “Пудратчи” га бириктирилган автомобиль йўллари, йўлдаги иншоотлар, жиҳозлар ва мол-мулклар “Пудратчи” нинг ихтиёрида бўлади.

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси “Пудратчи”нинг 2022 йил 1-чорақда тасдиқланган йўл ишларига ажратилган харажатлар сметасига асосан 66 677 400 (олтмиш олти миллион олти юз етмиш етти минг) сўми ташкил этади. Шартномага саклаш ишлари бўйича ва йўл ишлари рўйхати (харажатлар сметаси) илова қилиниб, булар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 “Буюртмачи” Ҳазначилик бошқармаси орқали “Пудратчи”га шартноманинг 2-бўлимида кўрсатилган маблағни мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган харажатлар сметаси ва тўлов жадвалига мувофиқ тўлаб боради.

3.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га саклаш ишларини бошлаш учун ойлик режанинг 40 фоизи миқдорида олдиндан аванс (бўнак) маблағи тўлайди, қолган сумма харажатлар сметаси асосида бажарилган ишлар “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олиниб, бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин тўлаб берилади (ойма-ой харажатлар тасдиқланган харажатлар сметасидан ошишига йўл қўйилмайди).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан тегишли Ҳазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар асосида бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилмайди.

3.4. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари саклаш ишларини молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган мақсадга эга бўлади ва тегишли автомобиль йўллари саклаш ишлари билан боғлиқ бўлмайдиган эҳтиёжлар учун олиб қўйилмайди ёки сарflanмайди. (Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1. “Пудратчи” ушбу шартномага мувофиқ саклаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача бажариб, бажарилган ишларни тўловга тақдим этади.

4.2. “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар учун шартноманинг 3.2-бандига асосан аванс маблағларини жорий ойнинг 15-санасигача бажарилган ишлар учун бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин 5 кун ичида тўлаб беради.

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати :

2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ҳазна ижроси қондаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан, шартнома тегишли тартибда Ҳазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 5 январдан тарафлар ўртасидаги бошланган муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

4.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 Пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари :

5.1.1. Ўз кучи маблағлари ҳисобидан ишларнинг календарь режасига белгиланган ҳажмда, муддатларда ва сифатли қилиб барча ишларни бажариш ва “Буюртмачи”га лойиха-смета ҳужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишларни камчиликларсиз топшириш;

5.1.2. Ўзига бириктирилган автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни, йўл жиҳозларини асраш, таъмирлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда йўл хизмати кўрсатиш.

5.1.3. Йўллари саклаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари туғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2011 йил 31 декабрдаги 352-сонли қарори билан тўлдирилган «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш ва саклаш ишлари ТАСНИФИ»га ҳамда тизимдаги йўл корхоналарининг

“Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитаси” олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро ҳужжатларига қатъий риоя қилиш;

5.1.4. Йўл минтақасидан самарали фойдаланиш ва уни амалдаги қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ равишда сақлаш;

5.1.5. Сақлаш ишларини бажариш даврида техника хавфсизлиги, атроф муҳитни, йўл минтақасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

5.1.6. Йўлларда бажарилиши зарур бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун “Пудратчи” тўла жавоб беради.

5.1.7. Бажарилган сақлаш ишлари “Буюртмачи”га топширилгунга қадар бажарилган ишларнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади.

5.1.8. “Пудратчи” ўзи хизмат кўрсатаётган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган сўз ҳолатда сақланиши учун жавобгардир. Автомобиль йўлининг тегишли бўлагига (йўл шароити билан боғлиқ) йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштиришда вакил сифатида иштирок этади.

5.1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг 21-22-моддаларига асосан йўл минтақасида йўл ишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ишларни амалга ошириш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

5.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда бажарилган сақлаш ишлари учун харажалар сметасига асосан “Пудратчи”га ҳақ тўлаш;

5.2.3. “Пудратчи” томонидан бажарилган сақлаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача қабул қилиб олиш.

5.2.4. Шартноманинг II-бўлимига ва илова қилинадиган харажатлар сметасига мувофиқ режалаштирилган маблағлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида ўзлаштирилмаса ўзлаштирилмай қолган маблағни “Буюртмачи” қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

5.2.5 “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган сақлаш ишларини исталган вақтда назорат қилиш ва аниқланган камчиликлар бўйича далолатнома тузиш.

VI. БАЖАРИЛГАН САҚЛАШ ИШЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

6.1.1. “Пудратчи” сақлаш ишларини томонлар ўзаро келишиб тасдиқлаган харажатлар сметаси, лойиҳа смета ҳужжатларига мувофиқ равишда ташкил этади.

6.1.2. Алоҳида маъсулиятга эга конструкциялар ва яширин ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишини 3 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи”ни хабардор қилади.

Агар яширин ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” яширин ишларнинг қисmini ўз ҳисобидан очишга, уни қайта тиклашга мажбурдир.

6.1.3. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучи билан “Буюртмачи” белгиланган муддатда сифатсиз бажарилган ишларни қайта бажаришга мажбурдир.

6.1.4. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтарини юритади, дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади.

6.1.5. Сифатсиз бажарилган иш ҳажми “Пудратчи”дан қабул қилиб олинмайди.

6.1.6. “Буюртмачи” бажарилган сақлаш ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вакилини буйруқ асосида тайинлайди. У “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Бажарилган ишлар учун фойдаланилган материаллар сифати “Пудратчи” зиммасида бўлади.

6.1.7. Техник назоратчи ёки “Буюртмачи” томонидан тузилган комиссия ишлар бажарилишининг олиб борилиши ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

6.1.8. “Пудратчи” назоратчини бажарилган ишларни қабул қилиб олиши ва иш жойига бориб келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди.

6.1.9. Назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобиль йўллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун техник Кенгашга таклиф киритади, йиғилишларда мунтазам қатнашади.

6.1.10. Инспекция назорати олиб бориш ва ишларни қабул қилишда “Пудратчи”га тобе бўлмаган ихтисослашган ташкилотни жалб қилган ҳолда тегишли ўлчов текширувларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Мазкур текширувлар ва лаборатория ҳулосалари учун “Пудратчи” томонидан ҳақ тўланади.

VII. ФОРС-МАЖОР.

7.1. Тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. (Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради).

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб булмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб булмас куч ҳолатлари узлуксиз 2 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йули билан бекор қилиниши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. "Буюртмачи" ушбу шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганида "Пудратчи"га кечиктирилган сумманинг қунига 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.2. "Пудратчи" мазкур шартнома шартларига мувофиқ зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда "Буюртмачи"га қунига бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеняни ҳисоблаш учун бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар далолатномаси асос бўлиб ҳисобланади ҳамда техник назоратчиларнинг билдиргиси ва маълумотномасига асосан кейинги бажарилиши лозим бўлган ишлар суммасидан чегириб қолинади.

8.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса бу низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида иктисодий судларига мурожат қилиш йўли орқали ҳал этилади.

IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ.

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. "Буюртмачи" қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати "Пудратчи"нинг айби билан узлуксизлиги кетма-кет икки ой таъминланмаганда, "Пудратчи" томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- "Пудратчи" томонидан қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати меъёр талабларига жавоб бермаганда;

- "Пудратчи"нинг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойиҳада назарда тутилган ишлар сифати пасайганда;

- "Пудратчи"нинг шартнома шартларини тўлиқ бажариш имконияти йўқлиги ҳолати мавжуд бўлса.

9.4. "Пудратчи" қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- "Пудратчи"га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра таъмирлаш ишлари "Буюртмачи" томонидан икки ойдан ошиб муддатга молиялаштириш тўхтатилса;

- "Буюртмачи" бажарилган ишларни молиялаштириш имкониятини йўқотган бўлса.

9.5. Шартнома бекор қилинганда "Буюртмачи" ва "Пудратчи"нинг биргаликдаги келишувига мувофиқ тугалланмаган таъмирлаш ишлари "Буюртмачи"га топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини "Пудратчи"га тўлаши лозим.

9.6. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш қарорига келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт. Билдиришномани олган тараф 5 кунлик муддат ичида унга нисбатан ўзининг жавобини қайтариши лозим. Ушбу белгиланган муддатда жавоб қайтарилмаганда иккинчи тараф шартномани муддатидан олдин бекор қилишга рози эканлиги эътироф этилади ва шартномавий муносабатлар тугатилади.

Шартнома 9.3. ва 9.4-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор қилинганида иккинчи тараф бу ҳақида билдиришномани олган вақтдан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

Бухоро вилояти автомобиль йўллари
худудий бош қармаси

Манзил: Бухоро ш. Гиждувон куча 272 уй
Телефон :228-50-03
Ш.х/р 304510860064017045161118001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИР 201188890
ОКОНХ 97400

Газначилик булинмаси номи:

Бухоро Вилоят Газначилик бошқармаси

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк

ХККА МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИР 201122919

Бош бошқарма
бошқармачиси:

Ш. Абдуллоев

Юрист:

Х. Шаропов

«Пудратчи»

Бухоро кўприклардан
фойдаланиш унитар корхонаси

Манзил: Бухоро ш. Саноатчилар куча 5 уй

Тел./факс (0365) 222 55 97

х/р: 22626000500286618011

Банк: ТИФ Миллий банк Бухоро булинмаси

МФО: 00084 ИНН: 200856052

ОКОНХ: 61129

Директор:

Дж. Эшов

Юрист:

А. Шамсиев

"КЕЛИШИЛДИ"

Бухоро вилояти АИХББ директори

Ш.Абдуллоев

"31" 01 2022 йил

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Бухоро КФУК директори:

Дж.Эшов

"31" 01 2022 йил

Бухоро КФУКга карашли 106-сонли йул булими тасарруфидаги халкаро ахамиятидаги
автомобиль йулларининг 2022 йил 1-чорак

КИШГИ КАРОВ РЕЖАСИ

№	Йуллар номи	2022-йил 1-чорак режаси Минг сум	Шу жумладан			
			1-чорак			
			Жами:	январь	февраль	март
1	А-380 Б) Бухоро халка йули 0-13 км	10 240,000	10 240,000	4 870,000	5 370,000	
	Жами:	10 240,000	10 240,000	4 870,000	5 370,000	-

РИЧБ бошлиги:

106-сон йул булими бошлиги:

А.Тухсанов

Ф.Ибрагимов